



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 13 октябрь, № 217 (8560)

Жума Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МДХ САММИТИ

КЎП ТОМОНЛАМА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 13 октябрь куни Бишкек шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар раҳбарлари кўп томонлама ҳамкорлиқнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболларини ҳамда халқаро кун тартибидagi долзарб масалаларни муҳокама қилади.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон МДХ ташкил топганидан бери савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда иқтисодий алоқаларни мустақамлаш тарафдори бўлиб келмоқда.

Ҳамдўстлик доирасида Ўзбекистон унинг низоми (Давлат раҳбарлари, Ҳукумат раҳбарлари, Ташқи ишлар вазирлари ва Иқтисодий кенгашлар, Парламентлараро Ассамблея) ҳамда тармоқ тузилмалари фаолиятида фаол иштирок этади. Хусусан, "йўл хариталари"ни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон 24 та соҳавий ҳамкорлик органига қўшилди, натижада МДХнинг 86 та органидан Ўзбекистон 65 та тармоқ тузилмаси фаолиятида қатнашмоқда, уларнинг мақсадли вазифалари миллий манфаатларга жавоб беради ва Ўзбекистон томонининг қизиқишини тасдиқлайди.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасидаги фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштирди. Ўзбекистон

Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 — 2022 йилларда МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишларидаги иштироки якунлари бўйича имзоланган ҳужжатлар ва Ўзбекистон томонидан илгари сурилган 100 дан ортиқ ташаббусларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида "йўл хариталари" қабул қилинган.

2020 йилда Ўзбекистон МДХга раислик қилди. Раислик давомида COVID-19 пандемияси чекловларига қарамай, 50 дан ортиқ тadbirlar, жумладан, Давлат раҳбарлари кенгаши, Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Иқтисодий кенгаш ва бошқаларнинг онлайн мажлислари ўтказилди. Йил давомида Ўзбекистон БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги турли тadbirlarда МДХ вакили сифатида иштирок этади. БМТ Бош Ассамблеясининг 2020 йил ноябрь ойида БМТ ва МДХ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги резолюцияси ташаббуси илгари сурилиб, ушбу ҳужжатнинг бир овоздан қабул қилиниши таъминланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ҳамдўстлик саммитлари доирасида илгари сурилган ташаббуслар пандемия таъсири шароитида иқтисодиётни, савдо ва ҳамкорлик алоқаларини тезроқ тиклаш, "яшил" ва соддаштирилган йўлақлар амалиётини кенг жорий этиш, ўзаро электрон савдони ривожлантириш бўйича ягона платформа яратиш, самарали ҳудудлараро ва трансконтинентал транспорт йўлақлари тизимини ишга тушириш, қўшма инновацион дастурларни фаол илгари суриш ва стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, МДХ Иқтисодий кенгаши фаолиятини кучайтириш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва "яшил" кун тартибининг илгари суриш, биохавфсизликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бirlаштириш, меҳнат бозорини яхшилаш, ўзаро сайёҳлик оқимини тиклаш ва маданий-гуманитар алмашувни кенгайтириш, терроризм ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашда ҳамкорлиқни мустақамлашга қаратилган эди.

"Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, мавжуд хатарларга қарамастан, биз МДХ доирасида барча йўналишлар бўйича ижобий ўсиш суръатларини таъминлашга эришмоқдамиз, — деди Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 14 октябрда Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ҳамдўстлик саммитидаги нуктда. — Хусусан, Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик давлатлари билан товар айланимаси, ўтган йил якунига кўра, 35 фоизга ошди, жорий йил бошидан буён эса яна учдан бир баробар ўсди. Машинасозлик, энергетика, кимё, фармацевтика,

тўқимачилик ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Биргина сўнгги ойлarning ўзида МДХ мамлакатларидаги шерикларимиз билан 800 дан ортиқ янги корхоналар ишга туширилди".

2022 йилда МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг сессияси (27 — 29 октябрь, Самарқанд) бўлиб ўтди. Тadbirlarда Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлардан 700 дан ортиқ илмий ва ижодкор зиёлилар вакиллари, депутатлар, олимлар ва экспертлар, ҳамкор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этади.

Ўзбекистон томони ташаббуси билан ишлаб чиқилган Санитария-эпидемиология оид фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги Битим қабул қилинди.

2023 йил 14 апрель куни Самарқанд шаҳрида МДХ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси

бўлиб ўтди. Учрашув якунида иштирокчи давлатларнинг кўп қиррали ҳамкорлигини янада мустақамлашга қаратилган 9 та ҳужжат қабул қилинди.

Жумладан, Самарқанд шаҳрини 2024 йилда МДХнинг "Маданият пойтахти", Тошкент шаҳрини эса "Ёшлар пойтахти", деб эълон қилиш бўйича ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама этилди ва тасдиқланди.

8 июнь куни Сочи шаҳрида бўлиб ўтган МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг йиғилишида Ўзбекистон томонининг таклифи билан МДХ саноат кооперациясини ривожлантириш концепцияси ва 2030 йилгача бўлган даврда Ҳамдўстликнинг саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича чора-таadbirlar мажмуи қабул қилинди. Шунингдек, 2012 йилнинг ноябрь ойидан буён давом этган музокара-лар Ўзбекистоннинг фаол иштироки натижасида якунига етган "Ҳизматлар, муассасалар, фаолият ва инвестициялар эркин савдоси тўғрисида"ги шартнома ҳам имзоланди.

Мухтасар айтганда, Қирғизистон пойтахтида бўлиб ўтадиган МДХ етакчиларининг навбатдаги учрашуви асосий натижаларини сархисоб қилиш ва Ҳамдўстлик доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлиқнинг кейинги режаларини белгилаб олиш имконини беради. Давлат раҳбарлари ўзаро савдо ҳажмининг ошириш, транспорт ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорлик, саноат кооперацияси, электрон тижорат, шубҳасиз, Ҳамдўстлик мамлакатларининг узок муддатли манфаатларига жавоб берадиган МДХ салоҳиятини янада кенгайтиришга қаратилган илгари эришилган келишувларни муҳокама қиладилар ва уларни амалга ошириш бўйича навбатдаги қадамларни белгилайдилар.

«Дунё» АА.

Анжуман

СЕНАТ АЪЗОЛАРИ МДХ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АССАМБЛЕЯСИ МАЖЛИСЛАРИДА ҚАТНАШДИ

Кеча МДХ иштирокчи давлатлари Парламентлараро Ассамблеяси ишчи органларининг видео-конференцалоқа шаклида мажлислари бўлиб ўтди.

Уларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари, шунингдек, ўндан ортиқ мамлакатлар экспертлари ва қонун ижодкорлари иштирок этади.

Парламент юқори палатасининг Бюджет ва иқтисодий ишловлар масалалари кўмитаси раиси Эркин Гадовев Назорат-бюджет комиссиясининг мажлисида қатнашди. Унда МДХ Панинг молиявий таъминоти оид қатор масалалар муҳокама мавзуси бўлди.

Комиссия аъзолари МДХ Парламентлараро Ассам-

блеяси аъзо давлатлари томонидан келгуси йил учун Давлат бюджети тўғрисида қабул қилинган қонунлар юзасидан маълумот алмашди. Айни чоғда МДХ ПА Кенгаши фаолиятининг молиявий жиҳатларига оид қарорлар лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Қутбиддин Бурхонов МДХ ПА Мудофаа ва хавфсизлик масалалари доимий комиссиясининг мажлисида иштирок этади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси куйи палатанинг мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган эди.

Мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказиш, сайлов органларининг марказлашган тизимини шакллантириш, сайлов комиссиялари тизимини мақбуллаштириш ҳамда Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали — regulation.gov.uz ҳамда Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти — parliament.gov.uz да жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди.

Маълумот учун, таклиф ва мулоҳазаларни қабул қилиш 2023 йил 10 октябрдан 24 октябргача давом этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

МУБОЛАҒАСИЗ, ҒУРУР ТУЙДИМ...



Энди бир бошидан бошласам. Мен 2000 йилда у пайтдаги Тошкент санъат институтининг "Кино-телевидение режиссёрлиги" бўлимига ўқишга кирдим ва кўз ўнгимда янги дунё — сеҳрли кино олами очила бошлади. Институтдаги устозларим Шухрат Аббосов, Маҳкам Муҳамедов, Улғбек Зубаров, Жўра Тешабоев мени ушбу ажиб ва сеҳрли дунёга олиб кира бошлади. Бирлари сенинг ақлинг етади, Достоевскийнинг "Телба"сини ўқи, деди ва мен ушбу асарга мафтун бўлиб, адабнинг бошқа асарларини ҳам ўқиб қикдим. Бирлари Эмир Кустуричанинг

«Андеграунт» фильмининг кўр, деди ва мен бу фильмга ҳам мафтун бўлиб, Кустуричанинг барча фильмларини кўриб чиққанам.

Бир кун келиб ғойибона устозим деб билганим — доврғли режиссёрни Қозон кинофестивалида кўришим мумкинлиги хаёлимнинг бир бурчагига ҳам келмаган эди. Меҳмонхона тамаддиҳонасида тунги соат 3 гача "Пуанкаре" фильмининг унга кўрсатишим, фильмининг унга жуда ёқши ва мени ўзининг Европада бўладиган кинофестивалига расмий чакришим, уни Ватанимда бўлаётган 15-Тошкент халқаро кинофестивалига

Ифтихор

чакришим, Тошкент ва Самарқандда 2 кун давомида у билан бирга дунё кино санъатидаги оддий масалалардан тортиб, инсоният учун глобал муаммоларгача бўлган масалалар ҳақида суҳбатлашиб чиқишим, уни уйимда меҳмон қилишим, у билан Самарқанд ва Тошкентнинг тунда яёв сайр этишим...

Ха, айнан шу сайрларда, аниқроғи, тунда Тошкент Ситини сайр қилаётганимизда, у билан "Hilton" меҳмонхонасидан аэропортгача бўлган кўчалардан кетар чоғимизда сарлаҳадаги сўзлар бот-бот кўнглимга келди.

Дунё нигоҳи



ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ЖОЗИБАСИ ВА ҒЎЗАЛИГИ БИЛАН АМЕРИКАЛИКЛАРНИ ҲАЙРАТЛАНТИРМОҚДА

Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонасида маҳаллий жамоатчиликни Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси ва сайёҳлик имкониятлари билан яқиндан таништириш мақсадида "International Club DC" нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда америкалик расмий, ишбилармон ва академик доиралар вакиллари иштирокида маданий кеча ташкил этилди.

Тadbirlar чоғида меҳмонларга Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик имкониятлари, маданий-тарихий марказлари, диққатга сазовор масканлари, шунингдек, мамлакатимизнинг сармоий салоҳияти ҳақида атрофлича маълумотлар тақдим этилди.

"International Club DC" раҳбари Санжай Хеттихева ўз чиқишида 60 минг нафарга яқин мутахассисларни ўз атрофига бirlаштирган мазкур ташкилот мамлакатимизнинг миллий брендини тарғиб қилиш учун яқши платформа ҳисобланганини айтди. "Бугун Ўзбекистон элчихонаси томонидан ташкил этилган ушбу тadbirlarни намунали, деб ҳисоблаш мумкин, чунки мамлакатнинг бой тарихий мероси ва улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги тақдимот юқори савияда ўтказилди", деди у.

АҚШ Давлат департаменти ташқи ишлар бўйича тадқиқотчиси Энн Комптонинг айтишича, ушбу маданий тadbirlar ҳамма учун фойдали бўлди, чунки унинг доирасида замонавий Ўзбекистон ҳақидаги кўпгина муҳим маълумотлар тақдим этилди. "Таъкидлаш жоизки, ушбу элчихона Вашингтон шаҳридаги энг ғўзал ваколтонлардан бири бўлиб, Ўзбекистондан олиб келинган музей экспонатлари ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини яққол намойиш этади", деди у.

Шунингдек, Жоржтаун университетидаги халқаро

«Дунё» АА. Вашингтон

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАКНИ БОҒЛОВЧИ МУСТАҲКАМ КЎПРИК

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни этиб белгилангани нафақат халқимизнинг ғурур-ифтихорини кўтарадиган тарихий воқелик, айни пайтда давлатимиз тил сиёсатида тамомила янги давр бошланганидан далолат беради.

Ҳар йили ушбу сурурбахш байрамни кенг нишонлар эканмиз, ахждоллардан авлодларга ўтиб, эслар оша яшаб келаётган она тилимиз — бебаҳо бойлигимиз, миллатимизнинг руҳи, маънавияти, ўзлиги, куч-қудрати манбаи, ўтмиш, бугун ва келажагини боғлайдиган мустаҳкам кўприк эканини янада теран англаймиз.

Дарҳақиқат, ҳар бир халқ ўз тилининг энг аjoyиб эканини идроа қилади. Тенгдоши Помиру Тиёншон бўлган она тилимиз ҳам бениҳоя ғўзал тил. У соф ўзбекча сўзлари билан ҳам, ўзбекчалашган каломлари билан ҳам бетакрор. Сўзларнинг мазмун бойлиги ва айтилишидаги назокат бунинг исботи учун етарли.

Тилимизда "ғўзал" сўзининг ўзи ғўзал, зариф ва ёқimli. "Севги" сўзи севиладиган даражада юмшқ, суйимли. Ёки "қалин" деган сўз, ўзи қалин бўлмаса ҳам, мазмундаги ифода оҳанг қалинлигини беради.

Мисол учун, "жигар" сўзини мулоҳаза қилиб кўрайлик. Қизиқ-да, нима учун томирида бир қон оқётган қардошлар "жигар" деб аталган экан? Бунинг сабабини менга 76 ёшга кирган онам айтиб берди. "Қара-я, — деди хайратланиб, — бола отасига, ака-сингиллар ўз қардошига жигарини берса, у ўрнашиб, битиб кетаверар экан, бегонанинг жигари эса ёпишмасдан, қуриб қоларкан. Ушанга "жигар" дейишган экан-да..."



ТАРАҚҚИЁТ СИФАТЛИ ТАЪЛИМДАН БОШЛАНАДИ

Кейинги йилларда жамиятимизда юз бераётган туб ўзгаришлар, ислохотлар, шубҳасиз, жаҳон ҳамжамиятида кузатилаётган глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ равишда кечмоқда. Глобаллашув, таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда мамлакатларни ривожлантиришнинг моҳияти ва мазмунига, стратегияси ва тамойилларига, ёндашув ва услубларига бирдай таъсирини ўтказётган куч сифатида намоён бўлаётир.

Таълим йўналиши ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятига мувофиқ ҳолда барқарор ривожлантириш, деб айта оламиз. Ҳозирги кунда вилоят мактабгача ва мактаб таълими тизими малакали педагог кадрларга бўлган эътиёжнинг тўла қондирилмаганлиги, таълим турлари ўртасидаги узлуксизлик, узвийлик ва интеграциянинг таъминланмаганлиги, таълимга нисбатан тизимли ёндашувнинг етишмаслиги билан боғлиқ долзарб муаммолар мавжуд. Улар кенг қамровли ва кўп қиррали ижтимоий масала. Ва бу ҳудудий ҳокимликлар ҳамда уларнинг тасарруфидоғи тегишли бўлинмаларнинг аниқ масала бўйича тизимли иш олиб бориши

давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва асосий принциплари асосида яратилган бўлиб, ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида тез ўзгараётган замон талабларига жавоб берадиган, рақобатбардор, ўз соҳасига ёндош бўлган бир неча касб-хунарларни пухта эгаллаган ўқитувчиларни тайёрлаш билан боғлиқ долзарб вазифалар ва уларни ҳал этиш йўллари белгилаб беради. Унда келажақ ўқитувчиларини тайёрлаш масаласига педагог кадрлар тайёрлашга оид яхлит таълим-тарбия тизимининг узвий ва ажралмас қисми сифатида ёндашилди, мамлакатимиз ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда таълим-лаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.



жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш, талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, қўшимча касб-хунар ўргатиш орқали уларнинг ҳаётий вазиёт ва шароитларга мослашувчанлигини ошириш мақсадида Тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва қўшимча касб-хунарга ўқитиш маркази ташкил қилинди. Тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва қўшимча касб-хунар ўргатиш талабаларнинг ҳаётий вазиёт ва шароитларга тез мослашувчанлигини таъминлашга кўмаклашувчи ва бу жараёнга илмий-амалий, илмий-услубий ҳамда тажриба-инновацион ёндашувчи воқеалик ҳисобланади.

Замонавий талабларга жавоб берадиган, ҳаётий ва касбий компетенцияларга эга, креатив ва ноҳаддат фикрлаш кўникмаларини ўзлаштирган, дарс машғулотига ижодий муносабатда ёндашувчи, соҳага доир илгор хорижий тажрибалар билан таниш бўлган, реал шароит ва вазиятларга тезлик билан профессионал мослаша оладиган ўқитувчи шахсини тарбиялаш концепциянинг асосий мазмунини ташкил этади.

Шунингдек, концепцияда келажақ ўқитувчисининг касбий компетенциялари, унинг шахсини тарбиялаш тизими ва асосий принциплари, тарбиялаш усуллари, жамиятнинг улар олдида қўядиган асосий талаблар илмий асосда ишлаб чиқилган бўлиб, олийгоҳда таълим ва

Нуктаи назар

Глобаллашувнинг моҳиятини ва хусусиятларини илмий асосда ўрганиш унга мослашиш, йўналишларини керакли тарзда ўзгартириш имкониятини яратади. Бундан қўриқиб турибдики, глобаллашув жараёнидан ижобий ва ижодий фойдаланишнинг усули ва воситаларини, механизмларини илмий асосда ишлаб чиқиш бугунги кун илм-фанининг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Албатта, бундай шароитда таълим тизимида глобаллашув жараёнларига мослашувчан, у билан ҳисоблашадиган ислохотлар мўҳим роль ўйнайди.

Механик ёндашув ва унинг оқибатлари

Миллий педагогикамиз яқин йилларга қадар ўқувчиларга инсоният томонидан шу пайтга қадар эгалланган мавжуд билимларни ўргатишни энг мақбул йўли сифатида қараб келди. Яъни, мавжуд билимлар ўқувчи онг ва тафаккурга тайёр ҳолда синдирилди. Бу жараёнда билимлар адабиётларда тайёр ҳолда мавжуд бўлади ва буни ўзлаштириш ўқувчилар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам қаноатланарли ҳисобланади. Аммо бу ўқувчиларда масала ва ҳодисалар моҳиятини англашга нисбатан ижодий ёндашувни назарда тутмайди, фақат мавжуд билимларни ёдлаш, уларни амалиётга жорий этиш бу турдаги педагогиканинг бош мақсади сифатида қаралади.

Бундай ёндашувда ўқувчининг қанчалик кўп билимини ёдда сақлаганига қараб унинг билими ҳақида ҳулоса чиқарилади. Билим олиш жараёни икки босқичдан иборатлигини, биринчи босқич — билимларни эгаллаш, иккинчи босқич — ундан ҳулосалар чиқариш эканлигини ҳисобга олсак, бу усул тугалланмаган методика сифатида ўзини оқламайди.

Педагогикага нисбатан механик ёндашув таълим тизимида авторитар педагогикага йўли очди. Бизда узоқ йиллар давомида педагогиканинг мақсад ва мўддаси шундай бўлиб келди: ўқитувчи ўзларининг билганларининг рўқач қилиб, ўқувчиларнинг ундан нари ёки берига ўтишлари рағбатлантирилмади. Натيجида, бир неча авлод ўқувчилар юқоридоғи тўмтоқ методика “шарофати” билан адабиётларда мавжуд билимларни ёдда сақлаб қолиш, уларни кўр-кўрона ёдлаш, бориқини, олган билимларини амалиётда татбиқ этишдан нарига ўта олмади.

Дарс машғулотларида ўқувчилар ҳар бир фан, керак бўлса, ҳар бир мавзуда борасида ҳодиса ва моҳиятини, сабаб ва оқибатини англаши, фан доирасида ва фанлараро ўзаро боғлиқлиги, интеграция, муносабат ва мувозанатни тушуниши, таққослаш ва мантқий ҳулосалар чиқариш кўникмасига эга чиқиши лозим бўлади. Бу эса дарс машғу-



лотининг қай даражада жиддий ва ўзига хос ижодий жараён эканлигини кўрсатади.

Авторитар педагогиканинг мўдҳиш оқибати ўқувчиларда педагогик жараёнда мўҳим бўлган ноҳаддат фикрлашга бўлган рағбатини йўқотди. Ноҳаддат фикрлаш — кишиларнинг одадий тарзига номувофиқ, ғайриоддий фикрлаш, нооддий усул ва йўллар билан ҳулосалар чиқариши; вазиятдан чиқишнинг ҳатто ғайритабиий, аммо энг мақбул мўқобилларини излаб топиш, масалалар ва ҳодисаларга нисбатан ҳар доим ижодий фикрлаш орқали ёндашиш кўникмасидир.

Педагогик таълимни ислоҳ қилиш йўлида

Миллий таълим тизимимизнинг мустақилликдан кейинги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, қўлаб ижодий ишлар амалга оширилганини гувоҳи бўламиз. Айни пайтда, айтиш жоизки, кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим турлари ўртасидаги алоҳи ва узвийликнинг таъминланishiда айрим камчиликлар ҳам кузатилди. Бу пировардида, мақсадни белгилашдаги тарқоқликка ва таълим сифатининг пайсыйишга сабаб бўлди. Кадрлар тайёрлаш бўйича давлат сиёсатида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ўзига хослиги, талаб ва эътиёжининг тўлиқ ҳисобга олинмаслиги, меҳнат бозоридоғи талаб ва тақлифининг чуқур ўрганилмаслиги натижасида кадрларнинг ҳудудлар кесимидаги тақсимотида мувоозанатнинг бузилиши кузатилди.

Тошкент вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланаётган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Ҳудудда йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг мавжудлиги, хусусий секторнинг нисбатан кенг ривожлангани вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Бу яхши, аммо вилоятда ижтимоий соҳалар, хусусан,

натижасида ижобий ечим топиши мумкин.

Ҳозирги кунда Тошкент вилояти таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айландики, унда таълим турлари ўртасидаги ўзаро назорат ҳам, рақобат ҳам таъминланishi зарур. Чирчиқ давлат педагогика университети ана шу муаммонинг илмий-назарий ва амалий ечимини топишни ўзининг асосий стратегик тадқиқот йўналиши сифатида белгилаб олган. Бу педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини яратилиши ва уни амалиётга татбиқ этишнинг механизмининг ишлаб чиқишига назорат қилади. Яъни педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги тарқоқлик бугунги кунда узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш заруратини кун тартибига қўётир.

Педагогик таълим кластери бўйича Тошкент вилояти таълим соҳасидаги эътироф этилаётган кенг қўламли илмий-амалий лойиҳанинг пировард мақсади ҳудудда мактабгача ва мактаб таълими тизимининг салоҳиятини оширишга қаратилган.

Биринчидан, педагогик таълим инновацион кластери доирасида Чирчиқ давлат педагогика университети мактабгача таълим муассасалари фаолиятини илдан ўрганиш, у ердаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида “Боғча-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари фаолиятини йўлга қўйди. Уларда институтнинг бир қатор профессор-ўқитувчилари талабалар билан биргаликда муайян муаммоннинг ечимига қаратилган илмий лойиҳалар устида тадқиқотлар олиб бормоқда. Ҳозирги кунда ҳудуд шундай илмий лойиҳа “Боғча-лаборатория”да ута лойиҳа тажриба-синовдан ўтказилмоқда. “Боғча-лаборатория”-

ларда институтнинг илмий салоҳияти ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячи-педагогларнинг тажрибасини бирлаштириш орқали натижага эришиш назарда тутилган.

Иккинчидан, Чирчиқ давлат педагогика университети томонидан инновацион лойиҳа сифатида ташкил қилинган “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончалари педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти ҳисобланади. Бугунги кунда Тошкент вилоятида ҳудуд шундай 22 та “Мактаб-лаборатория” фаолияти йўлга қўйилди.

“Мактаб-лаборатория” лойиҳаси — миллий педагогикамизда янги тушунча.

Замонавий талабларга жавоб берадиган, ҳаётий ва касбий компетенцияларга эга, креатив ва ноҳаддат фикрлаш кўникмаларини ўзлаштирган, дарс машғулотига ижодий муносабатда ёндашувчи, соҳага доир илгор хорижий тажрибалар билан таниш бўлган, реал шароит ва вазиятларга тезлик билан профессионал мослаша оладиган ўқитувчи шахсини тарбиялаш концепциянинг асосий мазмунини ташкил этади.

Шунингдек, концепцияда келажақ ўқитувчисининг касбий компетенциялари, унинг шахсини тарбиялаш тизими ва асосий принциплари, тарбиялаш усуллари, жамиятнинг улар олдида қўядиган асосий талаблар илмий асосда ишлаб чиқилган бўлиб, олийгоҳда таълим ва

Ушбу таълимнинг илмий истеъмолга олиб кирилиши Чирчиқ давлат педагогика университети фаолияти билан боғлиқ. “Мактаб-лаборатория”лар педагогик таълим инновацион кластерининг ядросини ташкил қилади ва илмий-педагогик ва инновацион лойиҳаларни яратиш ҳамда тажрибасиновдан ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни бажаради.

“Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларининг мақсади — узлуксиз таълим жараёнида таълим турлари ўртасидаги илмий, услубий ва таълим воситаларини ривожлантириш, педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ илмий-педагогик лойиҳаларни тажриба-синовдан ўтказишдан иборат.

Келажақ ўқитувчиси концепцияси

Давлат таълим натижаларига таъсир қилувчи энг мўҳим жиҳат сифатида таълим эканини кўрсатади. Ҳозирги воқелик, умумбаъши ривожланиш тенденцияларини инсондан фақат берилган топириқни кўр-кўрона бажарини эмас, балки масалага ижодий ёндашишни талаб қилади.

Шу маънода, университетда таълим жараёнига инновацион ёндашувларни жорий этиш, талабаларда касбий компетенцияларни шакллантириш орқали уларнинг келажақда замон талабларига жавоб берадиган педагог кадрлар бўлишини таъминлаш мақсадида Келажақ ўқитувчиси концепцияси ишлаб чиқилди. Концепция мамлакатимизда амалга оширилаётган таълимга оид

тарбия жараёни ушбу масалаларни амалиётга жорий этишга йўналтирилган ҳолда ташкил қилинган.



Давлат таълим натижаларига таъсир қилувчи энг мўҳим жиҳат сифатида таълим эканини кўрсатади.

Даврга ҳамоҳанг қадам

Аёнки, креатив иқтисодиёти — келажақ авлод иқтисодиёти. У инновационлар, янги гоялар, креатив маҳсулотларга асосланган бўлади.

Шу жиҳатдан, университетда таълим

Давлат таълим натижаларига таъсир қилувчи энг мўҳим жиҳат сифатида таълим эканини кўрсатади. Ҳозирги воқелик, умумбаъши ривожланиш тенденцияларини инсондан фақат берилган топириқни кўр-кўрона бажарини эмас, балки масалага ижодий ёндашишни талаб қилади.

Фофурон МУҲАМЕДОВ, Чирчиқ давлат педагогика университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

ОЛМОН ҚИЗИ ЮЛА БУХОРОЛИК ТЕНГДОШЛАРИ БИЛАН ГЕРМАНИЯДА КЎРИШИШ НИЯТИДА

Германиянинг Аахен шаҳри юқори малакали муҳандислар тайёрлашга ихтисослаштирилган Техника университети ҳамда гимназиялари, музейлари билан танилган. Мазкур кентнинг тўрт нафар педагог ва 15 нафар ўқувчисидан иборат делегация бир неча кун давомида Бухоро шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида бўлиб, миллий таълим тизимимиз билан яқиндан танишдилар. Бу педагог ва ўқувчилар алмишиш лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Тажриба

— Ўзбекистонга иккинчи бор келишим, — дейди лойиҳа координатори Ута Штайнел. — Ҳар гал халқингизнинг меҳмондўстлиги, самимияти, дўстона муносабати мени мафтун этади. Таълим тизимига келсак, улар ўртасида муайян тафовутлар бор. Бизда, дейлик, француз тилида таҳсил олган ўқувчи албатта, Францияда бўлиб, билимининг янада мустаҳкамлайди. Биз мамлакатингиз ўқув муассасалари билан ҳамкорлик қамровини кенгайтириш ниятидадим. Шу мақсадда Бухоро давлат университетида ҳам бўлиб, ҳамкорлик

юзасидан фикрлашиб олдик. Янги лойиҳаларни амалга ошириш умиддамиз. Эътиборлики, Германиялик ўқувчилар Бухородаги 15 та ҳонадонда истикомат қилиб, қўлаб дўстлар орттирдилар. — Гимназиянинг 9-синфида ўқийман, — дейди ўзини Юла Паул дея танитирган аахенлик ўқувчи. — Биз тенгдошларимиз оилаларида яшаб, ўзбекона турмуш тарзи билан яқиндан танишидик, миллий пишириқлар тайёрлашни ўргандик. Бухоронинг қадимий ёдгорликларини томоша қилдик. Тенгдошим Шаҳризода Абдурахмонова билан дўстлашдик. У билан энди Германияда учрашиш ниятидаман.



Юланинг буни алоҳида таъкидлаши бежиз эмас. Мактаб 2000 йилдан буён Германия таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бухоролик ўқувчилар ва уларнинг устозлари кўп бор олмон юртида бўлиб, у ердаги таълим тизими билан яқиндан танишишган, билимларини мустаҳкамлашган. Мактаб директорининг хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўринбосари Олия Хотамованинг

таъкидлашича, аниқ дамда билми даргоҳида ўн нафар немис тили ўқитувчиси фаолият кўрсатмоқда. Мактабнинг 800 нафардан кўпроқ ўқувчилари немис тилини чуқур ўрганмоқда. Бу ерда 7-синфдан бошлаб ўғил-қизлар инглиз тилидан ҳам сабоқ олишапти. — Давлатимиз раҳбарининг яқинда Германияда бўлиши, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга оид қатор кели-

шувларга эришилгани биз, таълим соҳаси вакиллари ҳам беҳад хурсанд қилди, — дейди мактаб директори Замира Ражабова. — Биз узоқ йиллардан буён Германия ўқув муассасалари билан таълим соҳасида ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Бу муассасамизда немис тилини ўргатиш самардорлигини оширишга хизмат қилляпти. Чунончи, ўқувчиларимиз ушбу хорижий тилда эмин-эркин гаплашиш кўникмаларига эга бўлишмоқда. Таълим соҳасидаги ҳамкорлигимиз самараси сифатида мактабимизга улуғ немис драматурги, файласуфи Фридрих Шиллер номи берилган.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Томорқачилик

ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

Фаргона вилоятининг Қўштепа туманида жойлашган “Ўқчи” МФЙнинг асосий драйвери қишлоқ хўжалиги бўлиб, аҳоли хонадонларида етиштирилаётган ширин-шакар мевалар, сархил сабзавотлар водий бозорларида анча машхур.

— 5300 нафардан зиёд аҳоли истикомат қиладиган маҳаллада ҳар бир оила ўз томорқачиликдан яхши даромад олади, — дейди “Ўқчи” МФЙ раиси Обиджон Солиев. — Маҳалламизда йилга тўрт мартабагача ҳосил олинган, маҳсулотини хорижа экспорт қилаётган миришкор оилалар кўпчиликини ташкил этади. Меҳнат фахрийлари Юсуфбек ва Ҳикматхон Рузमतолларнинг мўъжазгина томорқачиликда ҳар йили ўртача 2 тонна узум етиштирилади. Маҳсулотни экспорт қилиш орқали ушбу оила йилга 18 — 20 миллион сўм даромад олади. Шунингдек, хонадондаги 4 сотих ерда аччиқ қалампирнинг 5 хил нави парваришланиб, ҳар сотих ердан 2,5 — 4 миллион сўм даромадга эга бўлишади. Эрта қўламанда буюртма асосида



қалампир қўчатлари тайёрлаб бериш оиланинг яна бир қўшимча даромад манбаидир. Консерва қилиниб, ички бозорда сотиладиган аччиқ қалампир қишда рўзгор юритиш бекаму кўст бўлишини таъминлайди.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Footer containing contact information for 'Халқ сўзи' newspaper, including address, phone numbers, website, and subscription rates. It also features a QR code and a barcode.